100 китоб тўплами

ТРАКТОРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШДАГИ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

95-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,
“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 631.1
КБК 4Н
Қ 51

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:
М.Т. Тошболтаев – Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновация бўйича ўринбосари профессор т.ф.д

Тақризчилар:
А.Е. Толибоев – Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази директорининг ўринбосари Бош муҳандис, катта илмий ходим т.ф.н

Лойиҳа иштирокчилари:
У. Ф. Файзуллаев – “Агробанк” АТБ Стратегик таҳлил ва банк фаолиятини ривожлантириш департамент директори.
М. С. Ҳайитбоев – “Агробанк” АТБ Лойиҳалар методологияси бўлими бошлиғи.

Муҳаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7175-1-0

МУНДАРИЖА

Кириш 7

Авария ва бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари. Ким айбдор? 9

Техника ва ҳаёт хавфсизлиги бўйича умумий талаблар 12

Тракторлар ва ҳосил йиғадиган машиналарга қўйиладиган техника хавфсизлиги талаблари 19

Қишлоқ хўжалиги машиналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари 29

Йўллар ва далаларда ҳаракатланаётган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари 39

Машиналарни тунда, қияликда ва момақалдироқ пайтида ишлатишдаги хавфсизлик талаблари 41

Хулоса 43

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 44

КИРИШ

Дастлаб зарур тушунчаларнинг таърифларини келтирамиз.

Техника хавфсизлиги – ишловчиларнинг меҳнат шароити хавфсизлигини таъминловчи техникавий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими.

Техникавий чора-тадбирлар: хавфсизлиги юқори қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш; уларни доимо соз ҳолатда ушлаб туриш – техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тадбирларини сифатли бажариш; кардан вали, занжирли, тасмали, шестерняли, юлдузчали каби узатмаларни ғилофлаш; болтли, гайкали, шплинтли бирикмаларни мустаҳкам қотириш ва жойига ўрнатиш; машина конструкцияси хавфсизлигини оширишга қаратилган техник ва муҳандислик ечимларини жорий этиш.

Ташкилий чора-тадбирлар: техника воситасини сертификат (гувоҳнома)га эга механизаторгагина бириктириш; техника ва ёнғин хавфсизлигини билмайдиган ёки инструктаждан ўтмаган шахсларни ишга қўймаслик; қиялиги юқори далаларда ва қир-адирларда машиналарни хавфсиз ишлата оладиган механизаторлар сафини кенгайтириш; улар томонидан машиналардан тўғри фойдаланиш қоидаларини тўлиқ ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилиш.

Ёнғин хавфсизлиги – машиналарда ёнғин содир бўлиш хавфини олдини олиш ва кескин камайтиришга қаратилган техникавий ва ташкилий чора-тадбирлар тизими.

Техникавий чора-тадбирлар: электр тизими узелларида қисқа туташув юз беришига йўл қўймаслик; клеммаларни маҳкамлаб қотириш, очиқ симларни ва клеммаларни иҳоталаш; машиналарни қизийдиган узеллари (подшипниклар, шкивлар, радиаторлар, редукторлар, тормоз ленталари)ни техник созлигини таъминлаш; ўзаро жуфтликда ишловчи ишчи органлар (сегмент пичоғи ва бармоғи; янчиш барабани ва таглик; шпиндел ва пахта ажраткич барабани) орасидаги тирқиш кенгликларини тўғри ростлаш.

Ташкилий чора-тадбирлар: ҳар бир механизатор, ҳар бир чилангарни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиш; ёнғин чиқиш эҳтимоли юқори шароитда иложи борича машинани ишлатмаслик; машинани ўт ўчиргич, намат каби воситалар билан тўла жиҳозлаш; ёнғин билан курашиш усулларини яхши билиш.

Техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш механизаторнинг шикастланишига, ҳаттоки ўлимига олиб келиши сир эмас. Мазкур қўлланма механизаторлар, муҳандис-техник ходимларни бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ўргатади.

Диққат! Ҳар бир русумдаги трактор, ғалла комбайни, пахта териш машинаси каби техника воситаларидан фойдаланишда амал қилиши шарт бўлган техника, ёнғин, ҳаёт ва меҳнат хавфсизлиги қоидалари шу машиналарга қўшиб бериладиган китобчаларда тўлиқ баён этилган.

Механизаторлар ўзи учун янги бўлган машина кабинасига чиқишдан олдин тегишли китобчани ўқиб, унга хос бўлган хавфсизлик қоидалари ва талабларини пухта билиб олишлари зарур.

АВАРИЯ ВА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ. КИМ АЙБДОР?

Механизатор айбдор:

- ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ. Машинани бошқаришни ва хавфсизлик қоидаларини умуман билмайди;
- олдин фақат трактор минган, комбайнда ишламаган. Комбайнга қўйилган хавфсизлик қоидаларидан бехабар;
- машинанинг олдида қалтирайди – ишлашига ўзи ишонмайди;
- “машинадан фойдаланиш бўйича қўлланма”ни ўқимаган, тажрибали механизаторлардан сўраб ўрганмаган – машинани далада ишлатиш қоидаларини яхши билмайди;
- электрон қурилмалар билан жиҳозланган машиналарда ишлашга “тиши ўтмайди”;
- иш стажи кам – авария ҳолатларида ўзини йўқотиб қўяди;
- малакаси паст – созлик ва носозликни бир-биридан ажрата олмайди, техник қаровларни таблар даражасида ўтказа олмайди;
- кабинага бошқа одам ҳам чиқиб олган – дастакларни бошқаришига халақит берган;
- қияликдан тушаётганда тезликлар дастасини нейтралга солиб қўйган – машина “олиб қочиб кетган”;
- кийимининг енглари узун, этаклари (барлари) шалвираб осилиб турган – улар айланаётган қисмлар орасига



кириб қолган ва ичкарига тортиб кетган. Оёғига шиппак кийган – педалларни қаттиқ боса олмаган;

- двигателни ўчирмасдан мойлаш, қотириш, ростлаш ва тозалаш ишларини бажарган;
- машинани диққат билан бошқармайди – қўл телефони, магнитафон, чекиш каби нарсалар билан чалғиб кетади;
- қоронғида ишлашга ўрганмаган – дала охиридаги завурга тушиб кетган.

Машина айбдор:

- машина бузуқ, ишга яроқсиз бўлган;
- иш бошлашдан олдин пала-партиш бажарилган техник қаров;
- эластик муфта, кесиладиган болт, босим клапани, эрувчан сақлагич каби ҳимоя воситалари билан жиҳозланмаган

- тормозлаш қурилмалари носоз – юриб кетаётган машинани таппа тўхтатмайди;
- машинани трактерга тиркайдиган ёки осадиган механизмлар носоз – машина иш пайтида сирғалардан чиқиб кетади ёки ерга тушиб қолади;
- ғилдираклардаги шиналар эски, протектор тишлари батамом едирилган – сал нам йўлда ҳам сирпаниб кетади;
- хавфдан огоҳлантирувчи ойналар, чироқлар ва сигнализация воситалари билан чала жиҳозланган;

- айланувчи қисмлар ва узатмалар ғилофланмаган ёки ҳимояланмаган;
- қисмлар маҳкамлаб қотирилмаган, шайба қўйилмаган, валлар шплитланмаган, гайкалар тушиб қолган;
- совутиш тизими ёмон ишлаган: радиатордаги суюқлик қайнаб кетиб, қопқоқни отиб юборган, қайноқ буғ механизатор баданини куйдирган;
- гидравлик шлангнинг штуцери чиқиб кетган, юқори босимли мой механизатор юзига шикаст етказган;
- механизатор тушликка кетишда кабинани очиқ қолдириб, контакт калитини жойидан суғуриб олмаган – бегона шахс двигателни ўт олдирган, лекин машинани бошқара олмай авария қилган.

Йўл ва дала айбдор:

- йўл тор – иш ҳолатидаги машина, айниқса, жаткаси катта ғалла комбайни ва кўп қаторли пахта териш агрегати бундай йўлда эмин-эркин ҳаракатлана олмайди;
- йўлнинг икки четидаги тарвақайлаган дарахт шохлари машина кабинасига, бункерига келиб урилади;

- кўприклар кичкина, бузуқ ёки шунчаки қўлбола қурилган – оғир ва катта машиналар сиғмайди, сиққан тақдирда ҳам уларни кўтара олмай синиб кетади;
- сув йўллари ва дала ичидаги ўқариқлар текисланмаган – тушиб–чиқишда машина юриш қисмининг деталлари зўриқишдан синиб кетади;
- дала сатҳининг қиялиги 90 дан катта – машина сирпаниб, ҳаттоки ағдарилиб ҳам кетади;
- далалар турли темир-терсаклар билан ифлосланиб



кетган – улар плуг лемехлари, культиватор пичоқлари, комбайн сегментлари каби машина қисмларини синдириб, авариjга олиб келади;

- далада йўғон пояли ва чуқур илдизли бегона ўтлар кўп – плуг лемехлари, культиватор ва комбайн пичоқлари тезда тўмтоқлашади, бороналар ва чизеллар қисмларига хас-хашаклар тиқилиб қолади, пахта териш машинаси шпинделининг тишлари синиб кетади.

ТЕХНИКА ВА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Механизаторларга қўйиладиган умумий талаблар:

- машинани яхши билмасангиз, унга яқинлашманг;
- ҳар бир турдаги техника воситасида ишлаш хуқуқини берадиган сертификат ёки гувоҳномага эга бўлиши керак: “кенг профилли тракторчи”, “комбайнчи”, “пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси”;
- тегишли сертификатлари бўлмаган тракторчи комбайн ёки пахта териш машинасида ёки аксинча, комбайнчи трактордa ёки пахта териш машинасида ишлаши мумкин эмас: бу машиналарнинг конструкцияси ва иш жараёни бир-биридан кескин фарқ қилади, алоҳида ўқимаса ўрганиб бўлмайди;

- механизатор ҳар қандай техника воситасини, хоҳ у трактор ёки комбайн бўлсин, бошқаришдан олдин улардан фойдаланиш бўйича қўлланмаларни яхшилаб ўқиб чиқиши, тушунмаган жойларини тажрибали ҳамкасблари ва муҳандис-техниклардан сўраб ўрганишлари лозим;
- янги турдаги машинада ишлаш таклиф қилинганда, “мен олдинлари шундай машинани минганман”, деб хомтама бўлмасдан, янги машинанинг “янгилиги” нималардан иборат эканлигини тушуниб етиши зарур. Масалан, иккита тракторнинг кўриниши айнан ўхшаш бўлгани билан тезликлар қутиси биттасида механик, иккинчисида гидравлик бўлиши мумкин. Бундай қутиларнинг хавфсизлик қоидалари табиийки, бир-биридан кескин фарқланади;

- техника ва ҳаёт хавфсизлиги бўйича тўлиқ инструктаждан ўтмай туриб, машина кабинасига чиқманг. “Бир-икки кун ишлаб тур, кейин инструктаж қиламиз”, дейишса ҳам кўнманг – бахтсиз ҳодиса рўй берса ўзингиз айбдор бўлиб қоласиз;
- агар олдинлари доимо машина билан фақат текис далаларда ишлаган бўлсангиз-у, лекин сизни нотекис-қияликли катта далаларга юборишса, янги инструктажни талаб қилинг, чунки қия далаларда нафақат ишлашнинг, балки чиқиб-тушишнинг ҳам ўз қоидалари бор;
- машинани тунда, қор ёки ёмғирда, туман тушганда

ишлатишга тўғри келса, ҳушёрликни икки карра эмас, юз карра оширинг. Машинангиз бундай шароитларга мослашмаган бўлса зинҳор уни ишлатманг;

- шуни эсда тутингки, ҳар бир машина ўзининг вазифасини бажаради: транспорт трактори юк тортади, ғалла комбайни буғдой ўради; транспорт тракторига культиваторни осиб бўлмайди, ғалла комбайни билан шоли ўриш мумкин эмас;
- ҳозирги машиналар мураккаб – электр, электроника, гидравлик ва автоматик қурилмалар билан жиҳозланган. Уларни тўғри ва хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда ишлатиш билим, кўникма ва малакани тинмай ошириб боришни талаб этади;
- иш бошлашдан олдин машина қисмлари созлигини обдон текшириш, уларни дала шароитига қараб тўғри ростлаш, смена тугагандан кейин сифатли хизмат кўрсатиш хавфсизлик гаровидир;

- кабинага ҳеч кимни чиқарманг, машинани бошқараётганда қўл телефони, магнитофон каби нарсалар билан чалғиманг;
- агрегат двигателини ўчириб, қисмлар айланишдан батамом тўхтагандан кейингина унга техник хизмат кўрсатинг ва таъмирлаш ишларини бажаринг;
- машина юриб кетаётганда рулни қўйиб юборманг, машинадан тушишда “қўл”тормозини тортиб қўйинг;
- машина тагига киришга тўғри келганда уни тормозланг ва двигателни ўчиринг;

- авария содир бўлганда двигателни дарҳол тўхтатинг;
- биринчи смена тугагандан кейин машинада содир бўлган барча камчиликлар тўғрисида иккинчи сменадаги механизаторни огоҳлантиринг;
- тепага кўтариб қўйилган жатка, терим аппарати, трактор, бункер ва бошқа қисмлар тагида ўтириб ишламанг; гидравлик қулфларга ишонманг, кўтарилган нарсалар остига бақувват тагликларни ўрнатинг ва маҳкамлаб қўйинг;
- механизаторнинг иш кийими ихчам, оёғида этик ёки ботинка бўлиши керак.

Машиналарга қўйиладиган умумий талаблар:

- машина техник жиҳатдан соз ва ишга яроқли;
- янги ёки таъмирдан чиққан машина талаблар даражасида чиниқтирилади, керакли қисм ва узеллар билан жиҳозланади;
- иш бошлашдан олдин машинага сифатли техник хизмат кўрсатиш, тупроқ, об-ҳаво ва ўсимликларнинг ҳолатига қараб уни даланинг ўзида ростлаш, ҳаракатланиш тезлигини танлаш;
- трактор, ўрим-йиғим машиналари ишдан олдин мойланади, бак ва радиатор ёнилғи ва сув билан тўлдирилади.

- **Диққат!** *Двигатель ишлаб турганда бакка челак ёки канистрада ёнилғи солиш тақиқланади!*
- машина ишлаётганда одамларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи носозликлар пайдо бўлса, дарҳол ишни тўхтатинг;
- кабина механизаторнинг иш жойи – у ерда ортиқча одам, катта-кичик эҳтиёт қисмлар бўлмасин – улар йўлни ва далани кузатишга, бошқарув дастаклари ҳолатини алмаштиришга ва тормоз педалларини босишга халақит беради;

- кабина ойналари ёрилмаган ва қораланмаган. Ойнатозалагичлар яхши тозалайди.
- **Диққат!** *Синган ойналар ўрнига фанера ёки картон парчаларини ўрнатиш ман этилади!*
- кабина эшикларидаги қулфлар ишончли. Механизатор ўриндиғи талаблар даражасида ростланади. Кабина полига резина гиламча солинган. Дастаклар тагидаги тешиклар зичлаб беркитилган – чангни киритмайди;



- ғилдиракка ўзининг шинаси ўрнатилган, протекторлари едирилмаган, соз ҳолатда – айланганда шатаксирамайди ва сирпаниб кетмайди;
- машинанинг совутиш, тормоз ва гидравлика тизимларидаги бакчалар тегишли суюқликлар билан меъёрида тўлдирилсин. Суюқликларнинг томчилашига ва қувурларга ҳаво тортилишига йўл қўймайди;
- барча болт-гайкалар ва гидравлик шланглар штуцер-



лари маҳкам қотирилган – деталлар жойидан силжимайди, шланглардан гидравлика ва тормоз суюқликлари томчиламайди;

- қишлоқ хўжалиги машинаси тракторга пухта тиркалган ёки осилган;
- ҳамма айланувчи қисмлар (кардан валлари, тишли, занжирли ва тасмали узатмалар, вентилятор парраклари) ҳаёт учун хавфли. Шу боис улар ҳимоя воситалари (қопқоқлар, панжаралар, шчитоклар) билан ғилофлансин;
- “оёқ” тормози машинани текис йўлда таппа-тахт тўхтатиши, “қўл” тормози уни қияликда маҳкам тутиб туриши лозим;
- ҳар қандай машина товуш сигнали, орқа ва ён томонларни кўриш ойналари, бурилиш ва тўхташ сигналлари, қизил, сариқ ва яшил ранглардаги огоҳлантирувчи сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши даркор;
- ёритиш системаси доимо соз бўлсин. Акс ҳолда тунда, туман, қор ва ёмғирда кўриш қийинлашади, машина ариқ ёки завурга тушиб кетади, ёнидаги машинага, бетон деворга ёки устунга урилиб шикастланади;
- машиналар авариядан сақловчи ҳимоя қурилмалари (ғалла комбайнлари ва пахта териш машиналарида механик муфталар; плугларда – кесилувчан болтлар; мой ва совутиш суюқлиги солинган идишлардаги клапанлар – босим ошиб кетганда очилади; эрувчан сақлагичлар – электр тизимини қисқа туташув асоратидан сақлайди) билан жиҳозланиши шарт;

Механизатор диққатига! *Қиялик бўйлаб пастга тушаётганда тезликлар дастагини асло салт ҳолатга ўтказманг, тормоз педалларини блокировкаланган ҳолда босинг;*

- двигатели ишлаб турган, демакки, қисмлари ҳаракатланиб турган машинада мойлаш, ростлаш, тузатиш ва ифлосликларни тозалаш ишларини бажариш асло мумкин эмас;
- темир йўллардан фақат белгиланган жойларда, иш узатмаларида ўтиш мумкин. Поезд яқинлашаётганда машинани тўхтатинг ва тормозланг;
- ҳаракатланиш олдидан огоҳлантирувчи сигналли беринг;
- машинада ҳамиша соз ва тўлатилган ўт ўчиргич бўлиши лозим. Ёнаётган ёнилғига сув сепиш мумкин эмас;
- электр симлари соз бўлсин, очилиб қолган ва клеммалардан ажралган симлар иккинчи қават қилиб ўраб қўйилсин.

Йўл ва далаларга қўйиладиган талаблар:

- барча турдаги машина-трактор агрегатлари, айниқса, ҳайдов трактори, пахта териш машинаси, ғалла комбайни каби ташқи ўлчамлари ва массаси катта техника воситалари ишлайдиган далаларнинг қиялиги 90 дан ошмаслиги керак. Намгарчиликда ва қаттиқ шамол эсиб турган пайтда қия далаларда ишлаш ниҳоятда хавфли;



- хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги йўлларнинг кенглиги ва қопламалари (асфальт, бетон, шағал)нинг сифати агрегатларнинг, айниқса, ғалла комбайнлари ва пахта териш машиналарининг

шикастланмай ҳаракатланишини таъминлаш зарур;

- ғалла ўрими ва пахта терими даврларида йўл четларидаги дарахтларнинг эгилган шохлари кесиб ташлансин, акс ҳолда улар кабиналар ва бункерларга тегиб шикаст етказади;
- ариқ-завурлар устига қурилган кўприклар оғир машиналарни ҳам бемалол кўтарадиган бақувват, иккита-учта юкли тиркама уланган трактор поезди сиғадиган даражада катта бўлиши лозим, акс ҳолда нафақат машина, балки механизатор ҳам ҳалокатга учрайди;
- далалар топ-тоза, ҳар хил темир-терсак, пластмасса идишларидан холи – лемехлар, пичоқлар, сегментлар синмасдан ишлайди;
- далалар йўғон ва қаттиқ пояли ўтлардан батамом тозалансин, бўлмаса уларни қирқадиган ишчи асбоб-ускуналар зўриқишлар туфайли дастлаб тўмтоқлашади, кейин синиб кетади;

- ҳосил ўрим-йиғими пайтида ғалла комбайнлари ва пахта териш машиналари ишлайдиган далалардаги ариқлар, сув йўллари ва ўқариқлар текислансин – машиналар чайқалмасдан, тиқилмасдан шикастланмай ҳаракатланади.

ТРАКТОРЛАР ВА ҲОСИЛ ЙИҒАДИГАН МАШИНАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ

Ишлаган сайин ҳар қандай машинанинг болт-гайкалари бўшайди, тирқишлар кенгаяди, мой, ёнилғи ёки сув томчилай



бошлайди. Булар авариянга ва бахтсиз ҳодисаларга олиб келади. Масалан, руль чамбарагининг шплинти чиқиб кетса, машина бошқарувини йўқотади; радиаторда сув камайиб кетса, двигатель қизийди, тўсатдан тўхтаб қолади – авария ҳолати юзага келади.

Ҳамма машиналар хавфли зоналарга эга. Улар ташқи (занжирли ва тасмали узатмалар, комбайн мотовилоси ва қирқиш аппарати) ва ички (янчиш барабани, шпинделлар, вентиляторлар) бўлади. Хавфли зоналар ҳар хил ғилофлар билан ҳимояланади. Аммо ҳаммасини, масалан, мотовило ёки қирқиш аппаратини ғилофлаб бўлмайди. Шу боис улар хавфли зоналигича қолаверади.

Шуни билингки, машина ҳаракатланяптими, демак, у хавфли. Унга ҳеч кимни яқинлаштирманг ва чиқарманг, рулни ҳеч кимга берманг.

Ҳар бир машина кабинасида калитларнинг тўла йиғмаси, тиббиёт аптечкаси, идишдаги ичимлик суви ва завод қўлланмаси бўлиши шарт.

Тракторларга қўйиладиган талаблар:

- замонавий тракторларнинг тезлиги юқори. Механизатор ҳушёрликни сал пасайтирса бўлди, авария келиб чиқаверади. Бас шундай экан, руль бошқаруви, тормозлар ва юриш қисмига биринчи бўлиб техник хизмат кўрсатинг;
- руль бошқарувининг ҳамма деталлари пухта маҳкамланган бўлиши керак. Битта шплинт ёки шайба ўрнида бўлмаса ҳам, битта деталь ёрилган ва резбаси ейилган, шарнирларда салгина люфт (лиқиллаш) сезилса ҳам тракторни дарҳол тўхтатиш ва тузатиш талаб этилади;

- гидрокучайтиргичда мой сатҳи пасайганда дарҳол меъёрига келтиринг – бошқариш енгиллашади. Руль чамбарагининг эркин йўли 250 дан ошмаслиги керак;
- руль бошқаруви соз бўлса, трактор ҳар икки томонга эркин бурилади;
- занжирли тракторларда бошқариш дастагининг эркин йўли қўлланмада келтирилган меъёрда бўлиши, муфталар силкинмасдан тўлиқ қўшилиши ва ажралиши лозим;
- планетар бурилиш механизми лентали тормозлар ёрдамида бошқарилади;
- тормозлар соз ва тўғри ростланган, шатаксирамаслиги керак;
- занжирли тракторларда тормоз педалларининг тўла босилиш йўли 120-140 мм, ғилдираклиларда 70-80 мм. Тўхтатиш тормозининг педали иш ҳолатида фиксаторлар ёрдамида маҳкам ушлаб турилади;
- барча русумдаги тракторларнинг тормозлари уланиши биланоқ қуруқ бетон йўлда тракторни тезда тўхтатиши керак: 20 км/соат тезликда ҳаракатланаётган 4 тонна массали тракторнинг тормоз йўли 6-6,5 м. Битта тиркамали тракторнинг тормоз йўли 6,5-7,5 м, иккита тиркама билан 7,5-9 м;
- ғилдиракли тракторнинг чап ва ўнг тормозлари педаллар баравар босилган бир вақтда тракторни тўлиқ тўхтатиши керак, акс ҳолда у сурилиб ағдарилиши мумкин;
- тормоз узатмасининг барча деталларини соз ва пухта қилиб маҳкамланг;
- пневматик тормоз системаси қисмларини зичланганлигини, компрессор тасмасининг таранглигини текширинг;

- ҳаракатланаётган трактордa тормозлар қизиб кетса, улар “куйиб” кетади ёки қисиб қолиб, трактoрни аварияга учратади;



- ғилдираклар ва занжирлар носоз бўлса, трактор тўсатдан ёнга ташлайди ёки кескин тўхтайди, демакки авария ҳолати юзага келади. Шу боис тракторнинг юриш қисми доимий назоратда бўлсин;
- юриш қисмининг ҳамма деталлари маҳкам қотирилсин. Занжирли тракторларда занжирнинг таранглиги, звенолар, бармоқлар, катоклар, ғилдираклар ва роликларнинг ҳолатлари текширилсин. Звенолар эгилмаган, синмаган, бармоқлар шплитланган бўлсин. Йўналтирувчи ғилдираклар ва роликлар, таянч катоклари қадалмасдан ва қизимасдан айланиши керак. Бошқарувни қийинлаштирмаслик учун юриш қисмини ёпишган лойлардан ва ўралган ўтлардан доимо тозалаб туринг;

- ғилдиракли тракторларда иш бошлашдан олдин дискадаги конусли болтларни гупчакка маҳкам қотирилганига ишонч ҳосил қилинг;
- ғилдираклардаги подшипниклар соз ва мойланган бўлсин, акс ҳолда улар қизийди, деталлари синиб кетади, ғилдираклар лиқиллаб айланади;
- шиналарга кириб қолган михларни, металл парчаларни суғуриб олинг, ҳаво босимини меъёрига келтиринг. Тишлари едирилиб “кал” бўлиб қолган шиналарни янгиларига алмаштиринг;

- трактор қия текисликда орқага ағдарилмаслиги учун унинг олд томонига қўшимча юк ўрнатинг, кўндаланг барқарорлигини таъминлаш учун эса ғилдираклар колеясини кенгайтиринг;
- куч узатмасида илашиш муфтаси ва тезликлар қутиси доимий назорат қилинсин;
- илашиш муфтаси равон ажралиши ва қўшилиши, қўшилгандан кейин шатаксирамаслиги лозим. У тўлиқ ажралмаса, тезлик дастаси жойига тушмайди, трактор тўхтамасдан нимагадир бориб урилади. Муфтанинг шатаксираши хавфли. Тепага чиқаётганда муфта ёмон ишласа, трактор ағдарилиб кетиши ҳам мумкин;
- **Диққат!** *Илашиш муфтасининг деталлари пухта маҳкамланган, резбалари "ўлмаган", шплинтланган бўлиши шарт!*
- узатмалар қутисининг деталлари қотирилган, ҳамма узатмалар осон қўшилиши ва ажралиши керак. Агар узатма қийин қўшилса ёки ўзидан-ўзи ажралиб кетса транспорт воситалари кўп йўлларда, темир йўлдан ўтишда трактор аварияга учрайди. Шу боис бундай носозликларни дарҳол бартараф этинг;
- тиркама ёки осма машиналар билан ишлашдан олдин тиркаш ва осиш механизмларининг ҳолати текширилсин: деталлар соз бўлсин, бирикмалар ўзидан-ўзи ажралиб кетмасин;
- кўтариш механизмининг ўзича кўтарилиши ва пастлашига, шланглар ва қувурлардан мой томчилаши ва ҳавонинг сурилишига йўл қўйилмайди;
- айланиб турган қувват олиш вали ҳам хавфли. Агар ундан фойдаланилмаса, шлицали валини қопқоқ билан ёпиш лозим.

Комбайнга қўйиладиган талаблар:

- Ғалла комбайни конструкцияси энг мураккаб, кўп қисмлари очиқ ёки ярим ёпиқ ҳолда илгариланма, айланма ва тебранма ҳаракат қилувчи, техника ва ёнилғи хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишига ўта талабчан машиналардан биридир.

- Кенглиги 4-6 метрли жатка ўрнатилган комбайнда шу ўлчамдаги мотовило айланиб туради, сегмент пичоқлари очиқ ҳолда пояларни кесади. Янчиш барабани (ротори), дон тозалаш вентилятори ва ғалвирлари зўриқиш билан ишлайди. Демак, далада буғдой ўраётган комбайннинг яқинига бориш асло мумкин эмас.
- Комбайн ёзнинг чилласида ишлайди – буғдой поялари ҳам, дон ҳам қуриб кетади. Пичоқлар бармоқларга тегиб учқун чақнаса, дон шнекларининг подшипниклари қизиб кетса ёнғин чиқади. Демак, бу узеллар доимий назоратни талаб қилади.

- Руль механизмининг ҳамма деталлари соз, бир-бирига пухта маҳкамланган, люфти меъёрида, ғилдираклар енгил бурилади-ган, руль гидросистемасида мой тўла бўлсин;

- Тормоз тизими пухта, деталлари яроқли ва қизимайдиган, педалнинг эркин йўли меъёрида;
- Юриш қисмининг деталлари, узеллари ва корпуслари пухта маҳкамлансин. Комбайн далада ишлаганда ва ва йўлда ҳаракатланганда шиналардаги ҳаво босими шароитга қараб ростлансин. Ғилдиракларга протекторлари батамом едирилган, бортлари ёрилиб кетган шиналар ўрнатилмасин. Узатма вариаторининг тишли тасмаси комбайннинг ҳамма қисмига ҳаракат беради. У доимо таранг туриши керак. Тасма жуда катта айлантирувчи моментни узатади, шу боис иш пайтида унга сира яқинлашманг;



- Илашиш муфтаси осон қўшилиши ва ажралиши, шатаксирамай ва қизимай ишлаши лозим. Муфтани ҳаракатлантирувчи барча деталлар яхши қотирилсин, уларда ейилишлар бўлмасин. Педалнинг эркин йўли 20-25 мм атрофида;
- Блокировкалаш механизми тўғри ростлансин: узатмалар енгил алмашади;
- Кабина майдончаси, зиналар, суянчиқлар маҳкам ўрнатилсин, сачраган мой ва лойдан тозалансин, акс ҳолда комбайнчи сирпаниб, йиқилади.

Пахта териш машинасига қўйиладиган талаблар:



- Ғилдираклар, бўйлама рамалар, пневмотизим вентиляторлари, тебрангичлар валларининг таянчлари, бункер остидаги стойкалар, редукторлар пухта маҳкамлансин;
- Мойлаш, болтли бирикмаларни қотириш, терим аппаратини ростлаш, носоз тасмалар, шпинделлар, чўткалар, резина втулкаларни алмаштириш, радиатор сеткасини тозалаш ишлари двигатель ўчирилгандан кейингина бажарилсин;
- Бункердан пахтани ағдариш пайтида унинг тагида одам турмаслиги керак. Кўтарилган бункер тагида ишламанг;
- Қабул камераларига пахта ва ўт-ўланлар тиқилиб қолганда машинани ва аппаратни тўхтатинг, қўзғалувчи секцияни очинг ва ифлосликларни олиб ташланг;
- **Диққат!** *Шпинделларни ширадан ва ўралган пахта толаларидан кардолентали чўтка билан тозалашда жуда эҳтиёт бўлинг!* Аппаратни ўчиринг машинани тормозланг, иш тирқишини охиригача катталаштиринг. Двигателни ўртача айланишларда ишлатинг ва шпинделларни тозалашга киришинг;
- Олдинги барабанлардаги шпинделлар аппаратнинг олд томонидан, кейинги шпинделлар эса орқа томондан тозаланади.



- **Диққат!** *Агар барабанлар чўткани ичкарига торта бошласа, уни дарҳол қўйиб юборинг;*
- Чўтка дастасини икки қўллаб елка бараварида ушланг, шунда унинг зарбаси камаяди;
- Машина тагида ишлаганда, ён томонларидан ўтаётганда ҳушёрликни оширинг, бошингизни эҳтиёт қилинг – рамаларга урилиб шикастланмасин;
- Бункер пахтага тўлиши биланоқ уни бўшатинг. Тўла бункерли машинани узоқ жойга катта тезликда ҳайдаманг.
- Кабинадан чиқишдан олдин терим аппаратини пастга туширинг, бошқариш ричагларини бетараф ҳолатига ўтказинг, туриш тормозини ишга солинг, двигателни ўчиринг ва ўт олдириш калитини жойидан суғуриб олинг.
- Юқори кучланишдаги электр симлари атрофида бункерни тепага кўтарманг.
- Блокировка қилинмаган ва кўтариш цилиндрларига сақлаш механизмлари ўрнатилмаган терим аппаратлари тагига кириш мумкин эмас.

Ёнғинга қарши хавфсизлик қоидалари.

- Машинада ҳар доим соз ва тўлатилган иккита ўт ўчиргич бўлиши шарт. Улардан бирини кабинага, иккинчисини бункер атрофидаги осон олинадиган жойга ўрнатинг.
- Терим аппаратининг қисувчи планкаларини шпинделлар



учларига тегишига йўл қўймаанг, акс ҳолда учқун чиқади.

- Терим аппарати ичига қаттиқ предмет кириб қолиши биланоқ аппарат, вентилятор ва машинани дарҳол тўхтатинг. Аппарат ичига тиқилиб қолган қаттиқ предметни олиб ташланг, барча қисмларни яхшилаб текширинг.
- Шпинделлар, ажраткичлар ва намлагичларга ўралиб қолган пахта толаларини олиб ташланг. Қабул камераларини, ҳаво қувурларини тозаланг.
- Иш жараёнида машинанинг орқа қисмини ва бункерни кўрсатувчи ойналарга тез-тез қараб туринг.
- Терим аппарати баландлигини бошқарадиган автоматик системани, тупкўтаргич ва аппарат қиялигини доимо созланган ҳолатда ушлаб туринг. Тупкўтаргичлар ва аппарат пастки рамкалари тупроқни сидириб кетмасин, шундагина аппарат ичига бегона предметларнинг кириб қолиш эҳтимоллиги камаяди.
- Машинанинг иш жараёнида бегона тақиллашлар ва товушлар эшитилганда дарҳол ишни тўхтатинг. Носозликларни зудлик билан бартараф этинг.
- Машинанинг барча қисмларини тоза тутинг. Аппаратнинг ҳамма томонларини, суюқлик бакларини, суюқлик қувурлари вентилларини, ҳаво қувурларини, бункерни, двигателни пахта қолдиқлари ва ифлосликлардан тозаланг.

- Ёнилғи, мой ва гидравлика суюқликларининг оқишига йўл қўйманг. Оқиш ва томчилашларни тезда йўқотинг. Суюқлик оққан жойларни яхшилаб артинг.
- Иш пайтида чекманг.

Ёнғин чиққанда нима қилиш керак?

- Энг аввало ваҳима қилманг.
- Бункердаги пахтага учқун тушдими – йўқми, буни доимо назорат қилиб туринг. Тутаётган пахтадан келадиган ўзига хос ҳидни ажрата билинг. Ҳид чиқиши биланоқ машинани тўхтатинг. Вентиляторни ўчиринг. Аппаратни тўхтатинг.

- Бункердаги пахтани бўшатинг. Бункерни пастга туширинг ва машинани четроққа олинг. Машинани хавфсиз жойда тўхтатинг, кабинадаги ўт ўчиргични олиб ёнғинга қарши курашинг. Ёрдамчингизга иккинчи ўт ўчиргични олиб тутаётган пахтани ўчиришни буюринг.
- Машинанинг барча қисмларини яхшилаб тозаланг, кейин босим остидаги сув билан ювинг.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

Умумий талаблар

- **Махсус тайёргарликдан ўтмаган (бошқариш қисмларни созлаш, техник қаровларни ўтказишни билмайдиган) ва операторлик гувоҳномаси бўлмаган шахсларни қишлоқ хўжалиги маши-**

наларида (агрегатларида) ишлашлари қатъиян ман этилади.



- Двигателни ўт олдириш олдидан машинани тормозланг ва бошқариш ричагларини бетараф ҳолатга ўтказинг: назоратни сусайтириш оператор ва атрофдаги кишиларни шикастланишига ёки ўлимига олиб келиши мумкин.
- Машинани фақат ўриндиққа ўтирган ҳолдагина бошқаринг.
- Ариқ, тепалик ва чуқурликлар ёнида ишламанг. Бурилишларда, қияликларда, нотекис, сирпанчиқ ва шағал сепилган йўлларда машина тезлигини пасайтиринг.
- Йўлда кетаётганда тормоз педалларини жуфтлаштириб қўйинг-машинани равон ва тезда тўхтатиш мумкин бўлади.
- Катта қияликларда ишламанг. Қиялик бўйлаб юқорига ва пастга ҳаракатланаётганда гидростатик тўхтатгич педалларини бўшатманг, трансмиссия ричагини бетараф ҳолатга ўтказманг.
- Катта йўлга чиқиш олдидан машинани тўхтатинг, атрофга синчковлик билан қаранг. Йўлнинг ўнг томонидан юринг ва тез кетаётган транспорт воситаларини ўтказиб юборинг. Бурилишдан олдин тезликни камайтиринг ва сигнал беринг.
- Юриб кетаётган машинадан тушиш ёки унга чиқиш кўп ҳолларда одамларнинг шикастланиши ёки нобуд

бўлишиги сабаб бўлади. Бегона шахсларга машинани бошқаришга рухсат берманг. Иш пайтида кабинада фақат бир киши – операторгина ўтиради.

- Очилиб қолган электр симларига иҳота лентасини ўранг. Очиқ симлар бир-бирига тегиб кетса учқун чақнаб, ёнғин чиқиши мумкин.
- Шикастланиш ва қоқилиб кетишдан сақланиш учун монтаж ва демонтаж пайтида машинага қараб ишлаш лозим.
- Суюқликлар сатҳини текшириш ва меъёрига етказиш ишларини двигатель тўхтагандан ва ўт олдириш калити олингандан кейингина бажаринг.
- Двигатель ишлаб турган ёки қизиган бўлса бакка ёнилғи қуйманг, бу пайтда чекманг.
- Иссиқ двигатель радиаторининг қопқоғи олинганда юқори босимли қайноқ суюқлик сачраб чиқади. Радиатор совумагунча қопқоқни очманг, қопқоқни биринчи белгигача буранг ва босимни йўқолишини кутинг. Радиатор қопқоғини тезда очиш қайноқ суюқлик билан куйишга олиб келади.
- Гидравлика мойи ёки дизель ёнилғисининг терига сачраши инфекцияга ёки бошқа шикастланишга сабаб бўлади.

Шикастланишнинг олдини олиш учун:

- гидравлик қувурларни ажратишдан олдин суюқлик босимини камайтиринг;

- суюқликка босим беришдан олдин барча бирикмаларнинг маҳкамланганлигини ва ҳамма деталларнинг пухталигини текширинг;

- босим остидаги сачрашларни қўл билан текширманг, картон ёки фанера парчаларидан фойдаланинг;

- суюқлик билан зарарланганда дарҳол врачга мурожаат этинг.



- Аккумулятор батареялари олдида ишлаётганингизда уларнинг иҳоталанмаган металли қисмлари кучланиш остида эканлигини унутманг. Учқун келтириб чиқарадиган металл листлар билан клеммалар устини ёпманг.
- Машинани далада таъмирлашдан олдин аппаратни бошқарадиган ричагни бетараф ҳолатига ўтказинг, двигателни ўчиринг, ўт олдириш калитини суғуриб олинг ва “қўл” тормозини охиригача тортиб қўйинг.
- Механизатор машина қисмларининг равон ишлашини доимий равишда кузатиб бориши, бегона товушларни қисмлар товушларидан ажрата билиши лозим.
- Тўхтаб турган машина атрофида дам олиш мумкин эмас.
- Носоз машинанинг далага киришига йўл қўйилмайди.
- Машиналарни кўтариш, тушириш, буриш ҳамда ишга туширишда уларнинг атрофида бегона шахслар ва ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак.
- Транспорт ҳолатида турган машиналарга техник хизмат кўрсатиш тақиқланади.
- Машина ишчи қисмларини тупроқ, бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиқларидан қўлда эмас, асбоблар комплектига кирадиган ускуналар билан тозалаш керак.
- Ишчи қисмлари ерга туширилган бўлса агрегатни орқага юргизиш мумкин эмас.
- **Диққат!** *Ўзингизга ишонмасангиз машинани бошқарманг.*

Тупроққа асосий ва экишдан олдин ишлов берадиган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

- **Диққат!** *Транспорт ҳолатидаги плугнинг тагида туриб носозликларни тузатиш ва ҳайдов чуқурлигини ростлаш қатъиян ман этилади!*
- Йўлнинг бурилиш жойларида кўп корпусли плуги тепага кўтарилган ҳайдов агрегатига яқинлашманг – қоча олмай қоласиз.
- Айланма плугларда корпусларнинг буриш механизми доимо соз бўлсин – акс ҳолда авария келиб чиқади.
- Плугнинг едирилган тишларини дала тахталари тагига мустаҳкам тагликлар қўйиб, корпусларни сал тепага кўтаргандан кейингина созларига алмаштиринг.
- Ерларни чуқур юмшатишда тупроқ остидан тош кўчиб чиқса, ишлов чуқурлигини дарҳол камайтиринг.
- Дискли бороналарни ростлаш ва тозалашда ҳушёр бўлинг: дискларнинг ўткир қирралари қўлни кесиб кетиши мумкин.

- Фрезали ва ротацион культиваторларнинг ёнида юрманг – отилиб чиққан кесаклар сизга шикаст етказади.
- Шамол эсиб турганда чизел-культиватор банкаларига ўғит солишдан олдин кўзойнак тақиб олинг.
- Ҳар сменанинг охирида ўғит солиш аппаратлари ва ўғит ўтказгичлар қолган ўғитлардан, машина иш органлари эса ёпишиб қолган тупроқ ва бегона ўт қолдиқларидан тозалансин.

Уруғ экадиган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари



- Сеялкани трактorga осишда уларнинг орасига кириш тақиқланади.
- Маркерни туширишда ҳушёр бўлинг – тагида одам бўлмасин.
- Кимёвий ишлов берилган уруғлик ва минерал ўғитларни бункерларга юклашда ҳимоя воситаларидан фойдаланинг, уларнинг чанги нафас йўлларингизга кетиб қолмасин.
- Иш ҳолатидаги сеялкани орқага юрғизиш ман этилади.
- Иш пайтида сеялкачи тахта таглик устида туриши, тутқич ва панжалардан фойдаланиши керак.

- **Диққат!** *Трактorчи сеялкани кўтариш ва тушириш олдидан сеялкачига огоҳлантириш сигналини бериши шарт!*
- Бункердаги уруғлик ва ўғитларни қўл билан ушламанг – тахта куракчаларни ишлатинг.

- Ғалла сеялкаларининг сошникларини агрегат олд томонга ҳаракатлангандагина кўтариб туширинг.
- Ҳар сменадан кейин сошникларни тозаланг.
- Ғилдираклардан сеялка қисмларига ҳаракат узатувчи механизмлар соз бўлсин.

Маъданли ва маҳаллий ўгитларни сочадиган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

- Бункерга ўғит юклашда, машинада ишлаганда санитария ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилинг: шамол пайтида кўзойнак тақинг, ишдан кейин ва овқатланишдан олдин юз-қўлларни совунлаб ювинг, оғизни илиқ сув билан чайинг.
- Минерал ўғит сочувчи дисклар жуда тез айланади – уларга ҳеч ким яқинлашмасин.

- Кузовга гўнг солишдан олдин унинг ичидаги темир, тош ва ёғоч парчалари олиб ташлансин – машина қисмлари синмайди ва авариява учрамайди.
- Иш тугагандан кейин машина бункери ва қисмлари минерал ўғит ва гўнг қолдиқларидан тозалансин – метал қисмлар занглашдан сақланади, транспортёр звенолари эгилмасдан ва синмасдан ишлайди.

- **Диққат!** *РОУ-6 типидаги маҳаллий ўгит сочиш машинасида қум, шағал, тош, бетон каби материалларни ташиш ман этилади.*

Экин қатор ораларига ишлов берадиган культиваторларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари



Диққат! *Культиватор рамасида одамнинг ўтириши-туриши қатъиян ман қилинади!*

- Культиватор устига ҳеч нарса, ҳаттоки хашак боғларини ҳам юкламанг!
- Культиваторни тепага кўтариб қўйиб, едирилган ишчи қисмларни алмаштириш, таъмирлаш ишларини бажариш тақиқланади.
- Иш пайтида ўғит бункерига қўлингизни тиқманг – бункер қопқоғи доимо берк бўлсин.
- Бункерга кукунсимон ўғитларни солишда сиз шамол йўналиши томонида туринг.

Кимёвий эритмаларни сепадиган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

Пуркагич ва чанглаткич агрегатларида соғлом, махсус ўқитилган, техника ва ҳаёт хавфсизлиги бўйича инструктаждан ўтган шахсларгагина ишлашга рухсат берилади.

Диққат! *18 ёшдан кичик ва 55 ёшдан катта шахсларни ишга жалб этиш қатъиян ман этилади!*

- Трактор кабинасида тиббий аптечка бўлиши зарур. Тракторчи заҳарланган одамга биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини билиши керак.
- Иш вақтида овқатланиш, сув ичиш ва чекиш мумкин эмас. Иш олдидан қўлларга вазелин суртинг, ишдан кейин совундан фойдаланиб чўмилинг.



- Тракторчилар, эритмалар ва дефолиантлар билан ишловчиларнинг барчаси махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.
- Дори пуркаш ишлари шамол йўқ пайтда, фақат эрталаб ва кечқурун бажарилсин.
- **Диққат!** *Иссиқ пайтда заҳарланиш хавфи кучаяди!*
- Агрегат ишлаётганда унинг атрофида одамлар ва чорва ҳайвонлари бўлмасин.
- Пуркагич резервуарлари ва эритма ташийдиган цистерналарга дефолиантлар қуйиш челаклар билан эмас, фақат насослар ёрдамида бажарилсин.

- Резервуарлар, баклар, шланглар, насослар, монометрлар, пуркагич бирикмаларидан эритма томчиламасин.
- Насослар, фильтрлар, шланглар, пуркагичлар тиқилган эритма қолдиқларидан тозалансин – узоқ муддат чиримасдан ва бузилмасдан ишлайди.

Ўт ўрадиган машиналарга қўйиладиган хавфсизлик талаблари:

- КИР-1,5 типидаги ўт ўргич-майдалагични ишлатишдан олдин текширинг: пичоқлар бармоқларга, бармоқлар ротор валига, валдаги подшипник корпуслари рамага пухта қилиб маҳкамлансин.
- Кардан вали ғилофланган, юклагичда ёриқлар йўқ, редукторда мой етарли.
- Ротор ҳам ўргич, ҳам юклагич вентилятори вазифасини бажаради – у фақат катта тезликларда айлансин.
- пичоқлар ўткир, понасимон тасмаларнинг таранглиги меъёрида;



- **Диққат!** *Тошли далаларда роторли машинани ишлатиш тақиқланади!*
- Брусли ўроқнинг сегмент пичоқлари ва бармоқлари синмаган, улар бир-бирига тегмасдан ҳаракатланади.

- Пичоқларни ҳаракатлантирувчи кривошип-шатун механизми доимий назоратда бўлсин – шатун ёки кривошип жойидан чиқиб кетса авария юзага келади.
- Хашак йиғадиган-тойлайдиган машинанинг бармоқли хашак йиққичи, тойлаш аппарати ва той юклагичи хавфли узеллардир – улар-

нинг атрофида одам юрмаслиги лозим.

- Тойни зичлайдиган ва сим ёки ип билан боғлайдиган механизмлар соз ҳолатда. **Диққат!** *Ҳар қанақа сим ёки ипни ишлатманг!*
- Хашак юклагичда ердаги хашак уюмини “тишлаб” оладиган рамкаларни очиб-ёпувчи гидроцилиндрлар ва гидронасослар соз бўлсин, акс ҳолда юкланаётган масса ўз-ўзидан тўкилиб кетади.
- Ўт ўрадиган, йиғадиган, тойлайдиган ва юклайдиган машиналарнинг деярли барча ишчи қисмлари очиқ – ғилофсиз, тракторчи ҳам, фермер ҳам доимо ҳушёр туришлари керак.

ЙЎЛЛАРДА ВА ДАЛАЛАРДА ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН МАШИНАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

- Кабинага чиқишдан олдин оёқ кийими лойдан, кордан тозалансин – педалларни босганда сирғаниб кетмайди.

- Машинани орқага юргизиш, буриш ва қайтаришдан олдин сигнал беринг, уни кичик тезликларда юргизинг.
- Машинани орқага юргизишда оёқни (қўлни) илашиш муфтасининг педалидан узманг.
- Осма машина билан бурилаётганда ҳушёрликни оширинг – атрофида одам бўлмасин.

- **Диққат!** *Йўлларда ҳаракат қоидаларига қатъиян амал қилинг!*
- Йўлнинг ўнг томонида ҳаракатланинг.
- Қишлоқ жойларидаги кўприклардан ўтишга тўғри келса, уларнинг мустаҳкамлигига ва кенг эканлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Чуқурликлардан трактор тўхтатмасдан кичик тезликларда ўтинг.
- Сирпанчиқ йўлларда ҳушёрликни оширинг. Ғилдиракларнинг шатаксираши ёки сирпаниши натижасида авария келиб чиқиши ҳеч гап эмас.
- Қияликдаги сирпанчиқ йўлдан умуман юрманг – ағдарилиб кетасиз.
- Лойда ғилдираклар шатаксираса трактор дифференциялини блокировкаланг.
- Шатаксираётган ғилдиракларнинг орқасида одам турмасин – учиб чиқаётган тош ва кесаклар тегмайди.
- Ходалар ёки хашак боғламларини шатаксираётган ғилдираклар остига қўлда ушлаган ҳолда ташламанг – тортиб кетади ва сизга шикаст етади.
- Туманда, қаттиқ ёмғирда ёки қорда чироқларни ёқинг, вақти-вақти билан товуш сигналини беринг.
- Мактаблар, коллежлар олдидаги йўлларда ҳушёрликни оширинг – болалар кўп бўлади.
- Машинани электр симлари тагида ҳайдамасликка ҳаракат қилинг. Иложи бўлмаса, юқори кучланишдаги



электр симлари билан машинанинг тепадаги энг юқори қисми орасидаги масофа 4 метрдан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилинг.

- Тушликка чиқишдан олдин осма машинани пастга туширинг тормозланг ва двигателни ўчиринг.

МАШИНАЛАРНИ ТУНДА, ҚИЯЛИКДА ВА МОМАҚАЛДИРОҚ ПАЙТИДА ИШЛАТИШДАГИ ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ



- **Диққат!** *Тунда ишлайдиган машинада электр тизими (аккумулятор батареялари, генератор, реле-регулятор, чироқлар) ва товуш сигнали соз бўлсин.*
- Кечқурун ишланадиган даланинг ва юриладиган йўлларнинг ҳолатини кундузи обдон ўрганиш керак.
- Чироқлар машинанинг олдинги ва орқа томонларини яққол кўрсатиши лозим.
- Пахта ёки ғалла ташийдиган транспорт воситаларининг электр тизимлари нуқсонсиз ишласин.

- **Диққат!** *Қиялиги 90 дан катта далаларда тунда ишлаш қатъиян ман этилади.*
- Ён томонга ағдарилиш хавфини камайтириш мақсадида трактор колеяси максимал кенгликка ростлансин.
- Тунда, қияликда ва момақалдироқ пайтида машина кабинасида фақат тракторчи ўтирсин, эшиклар очиқ бўлсин.
- Қияликда машинани паст тезликда кўп ва кескин тормозламай ишлатиш лозим.
- Қияликка чиқиш ва ундан тушиш пайтларида машинани кескин буриш аварияга олиб келади.
- Қияликдан тушаётганда тезлик дастасини нейтрал ҳолатга қўйиш асло мумкин эмас. Тормоз педаллари блокировкалансин.
- Машинани қияликда тўхтатишга тўғри келса, қўл тормозлари ишга туширилсин, ғилдираклар орқасига понасимон тўсқичлар қўйилсин, двигатель ўчирилсин, тезлик дастаси кичик узатмага ўтказилсин.

- Момақалдироқ чалиши биланоқ машинани тўхтатинг, ундан энг камида 20 метрга узоқлашинг.
- **Диққат!** *Тунда ва қия далаларда ишлайдиган машина рулига фақат малакали механизатор ўтирсин.*

ХУЛОСА

Мана Сиз қўлланмани яхши ўқиб ва ўрганиб чиқдингиз. Ишончимиз комилки, трактор ва машиналарни ишлатишда ҳаёт учун зарур бўлган техника хавфсизлиги қоидаларини билиб олдингиз. Бундан буён авария ва бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада, айбдор механизатормми, машинами ёки дала-йўлми, деган саволларга тўғри жавоб топа оласиз.

Авария юз бериши ва ёнғин келиб чиқиши эҳтимоллиги юқори бўлган трактор, ғалла комбайни ва пахта териш машинаси каби мураккаб конструкцияли техника воситаларини бошқарганда ҳушёрликни янада оширасиз.

Машиналарни тунда, қия ерларда ва момақалдироқ пайтида ишлатганда хавфсизлик қоидаларига оғишмай амал қиласиз.

Сиз энди хавфсизлик талабларини биладиган малакали механизаторсиз. Шу боис бешикаст ишлашингизга шакшубҳа йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ғоипов Х. Э. Меҳнат муҳофазаси. – Т.: Меҳнат, 2000. – 256 б.

2. Пахтачилик ва ғаллачилик машиналарини ростлаш ва самарали ишлатиш: қўлланма (тузатилган, тўлдирилган 2-нашри) / масъул муҳаррир М.Тошболтаев. – Т.: Фан, 2012. – 200 б.

3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги” вазирлиги ҳамда “Денизбанк” ҳамкорлигида тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.

4. Калошин А.И., Новиков М.П. Техника безопасности при работе на тракторах, комбайнах и автомобилях. Изд. 2-е, исправ. и доп. Учебн. пособие для сельских проф. – техн. училищ. – М.: Высшая школа, 1976. – 136 с.

5. Охрана труда в сельском хозяйстве: Справочник / Сост. В. Н. Михайлов и др. – М.: Агропромиздат, 1988. – 543 с.

6. Половцев Е.А. Техника безопасности при ремонте тракторов, автомобилей и сельскохозяйственных машин. Учебн. пособие для сельских проф. – техн. училищ. – М.: Высшая школа, 1969. – 128 с.

4н
Қ 51

Тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатишдаги хавфсизлик қоидалари [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 48 б.

ISBN 978-9943-7175-1-0

УЎК 631.1
КБК 4н

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ТРАКТОРЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШДАГИ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

95-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
М. Тожимаматова

Компьютерда тайёрловчилар:
З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:
П. Горбачев

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 16.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.